



**TRANS
AUDIT - A**
Auditing Company

ООО "TRANS-AUDIT-A"

Р/С: 2020 8000 3039 5083 0001

Ташкентский городской региональный филиал УЗГКСБ

МФО: 00424, ИНН: 202651054, ОКЭД: 69202

г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. А.Темур 1/2

+998 90 912-00-81 +998 71 268-48-86

transaudita@mail.ru

Мустақил аудиторлик хулосаси

“HAMKOR SUG`URTA” АЖ

Акциядорлари ва кузатув Кенгашига

Фикр

Биз “HAMKOR SUG`URTA” АЖ нинг 2022 йил 31 декабр ҳолатига бўлган бухгалтерия баланси, кўрсатилган санада тугаган йил учун молиявий натижалар тўғрисида ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган молиявий ҳисоботлари бўйича аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча жамиятнинг 2022 йил учун тақдим этилган молиявий ҳисоботлари (баланс, молиявий натижалар тўғрисидаги, пул оқимлари тўғрисидаги ва хусусий капитал тўғрисидаги) амалдаги бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ва бошқа қонун ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ тайёрланган.

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз жамиятдан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) “Профиссионал бухгалтерлар учун ахлоқ” Кодекси талабларига ва ахлоқий қоидаларига, шунингдек молиявий ҳисобот қоидаларига тегишли Ўзбекистон Республикасида қўлланадиган ахлоқ меъёрларига мувофиқ жамиятдан мустақилмиз ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Жамият раҳбарияти молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш, шунингдек фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият жамият фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан жамият фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар жамиятнинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хулосасида акс эттириш. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий

"HAMKOR SUG'URTA" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал этикани қўллаймиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- **фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз.** **Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик rischi хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик riskидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;**
- **жамиятнинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;**
- **қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;**
- **бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, жамиятнинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қиламиз.** **Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган хулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз.** **Бизнинг аудит хулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади.** **Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар жамият фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.**

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиламиз.

Аудиторлик ҳулосаси бўйича
аудит гуруҳи раҳбари:



О.Т. Кодиркулов

Тошкент шаҳри, Амир Темури 1-й кўчаси 2-й.

25.05.2023 йил.